

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ВА ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Г.Туганбекова – ТошДШИ магистранти

Ушбу мақолада ташқи савдо стратегиясининг икки муҳим тури: импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган савдо сиёсатининг моҳияти ёритиб берилган, улар қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари кўрсатилган.

Жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитда ҳар қандай мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан самарали фойдаланиши, глобаллашув жараёнларига мақсадга мувофиқ мослашиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаб бориши кўп жиҳатдан экспорт ҳажмини оширишига ҳамда экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улушининг юқори бўлишига эришишига боғлиқ.

Бу мақсадга эришишда муайян ташқи савдо стратегиясини танлаш асосида саноатлашув жараёнларини жадаллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон иқтисодий тараққиётида ташқи савдо стратегиясининг икки асосий тури шаклланган бўлиб, булар: иқтисодиётни протекционистик тўсиқлар ёрдамида фаол ҳимоя қилишга қаратилган импорт ўрнини босувчи ва очик иқтисодиётга асосланган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ёқловчи ташқи савдо стратегиясидир.

Бу икки савдо стратегиясидан қайси бири самаралироқ эканлиги тўғрисида кўплаб тортишувлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда экспортга йўналтирилган сиёсатнинг афзаллиги деярли барча иқтисодчилар томонидан тан олинган.

Импорт ўрнини босувчи савдо сиёсатида давлат иқтисодиётни тартибга солишнинг маъмурий усулларида кенг фойдаланади. Бундай шароитда давлат турли протекционистик тўсиқлар воситасида айрим миллий корхоналарнинг хўжалик юритишлари учун қулай шарт-шароитлар барпо этади. Хусусан, ташқи савдо тўсиқларидан устун даражада фойдаланиш натижасида мазкур корхоналар бошқа корхоналарга нисбатан қулай хўжалик юритиш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари алоҳида олинган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш кўпинча экспортга маҳсулот чиқараётган корхоналар ҳисобидан юз беради.

Импортни чеклаш сиёсати экспорт ҳажмининг ҳам қисқаришига олиб келади. Натижада хорижий валюталар “тақчиллиги” вужудга келади. Бу эса ўз навбатида миллий валюта алмашув курсининг ошишига олиб келади ва миллий маҳсулотлар рақобатбардошлиги пасаяди. Давлат томонидан алоҳида тармоқларнинг қўллаб-қувватланиши, миллий валюта алмашув курсининг ошиши натижасида бошқа соҳаларда самарали фаолият юритаётган корхоналарга ҳам зиён этади.

Молиявий секторнинг ривожланмаслиги ҳамда фоиз ставкаси устидан давлат назоратининг ўрнатилиши натижасида уй хўжаликлари маблағларини хўжалик айланмасига жалб этиш қийинлашади ва бунинг натижасида инфляция даражаси ошади, инвестициялаш имкониятлари тораяди.

Экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегиясининг энг асосий афзаллиги шундан иборатки, у давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий усулларида устувор даражада фойдаланишни кўзда тутди. Миллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ташқи бозорга мўлжалланган шароитда давлат иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлади. Бу эса ўз навбатида миллий корхоналар ўртасидаги ҳамда миллий корхоналар ва хорижий корхоналар ўртасидаги рақобат курашининг кескинлашувига олиб келади. Рақобат эса маҳсулотлар сифатини ошириш ва нархини пасайтиришнинг энг асосий омили ҳисобланади. Миллий ишлаб чиқарувчилар халқаро даражада рақобатга киришадилар ва бунинг натижасида маҳсулот нархлари арзонлашиб, сифати ошиб боради.

Шунингдек, экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсатида миллий ишлаб чиқарувчилар миқёс самарасидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Миллий ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга, истеъмолчилар талабларини ўрганишга алоҳида эътибор қарата бошладилар. Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашиши жадал суръатларда кечади.

Экспорт ҳажмининг муттасил ўсиб бориши хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш имкониятини беради. Экспортга йўналтирилган савдо стратегиясида ташқи қарз ва тўлов баланси билан боғлиқ муаммолар кескин тус олмайди. Молия секторининг ривожланиши ва миллий валюта алмашув курсининг пасайиши натижасида уй хўжаликлари маблағларини хўжалик айцланмасига жалб этиш ва инвестициялаш имконияти кенгаяди.

Жаҳон амалиёти экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсатини танлаган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда юқори натижаларни акс эттирганини кўрсатади. Хусусан, Жанубий Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари – Тайвань, Сингапур, Гонгконг ва Жанубий Корея XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб иқтисодиётни саноатлаштириш, иқтисодий ривожланиш ва пировард натижада, кишилар турмуш даражасини оширишнинг юқори суръатларини намоён қила бошладилар. Чунончи, Жанубий Корея қисқа тарихий давр мобайнида кишлоқ хўжалиги устувор ўринга эга бўлган қолоқ мамлакатдан ривожланган мамлакат даражасига эришди ва ОЭСР аъзосига айланди. Фақат 1975-2013 йиллар давомида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 29 мартага: 1975 йилда 48,2 млрд доллардан 2013 йилда 1400 млрд долларгача, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори эса 19,1 мартага: 1366 доллардан 26205 долларгача ўсди¹.

¹ Манба: Kostat

Мамлакат хўжалиги таркибида чуқур ўзгаришлар юз берди. 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг атиги 3 фоизи (1975 йилда 45,7 фоиз) қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келган бўлса, саноатнинг улуши 39,4 фоизни (1975 йилда 23 фоиз), хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 57,6 фоизни (1975 йилда 31,4 фоиз) ташкил этди².

² Манба: Kostat